ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

БУЙРУҚ

№ 641 Тошкент ш. 02.11.2018

Давергеодезкадастр қўмитаси тизимида коррупцияга қарши курашишни янада кучайтиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Давергеодезкадастр қўмитаси ва унинг тизимидаги ташкилотлар томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича қатор тадбирлар оширилиб келинмоқда, хусусан, қўмитанинг, адлия ва прокуратура органларининг ҳамда қўмитанинг "Ишонч телефон"лари ва электрон почта манзили, бир ойна бўлимларида ижтимоий сўров варақалари ва бу варақаларни солиш учун махсус "Ишонч қути"лари ташриф этувчиларга кўринарли тарзда жойлаштириб қўйилиши, янги ишга қабул қилинаётган ходим билан тузиладиган меҳнат шартномасига коррупцияга қарши кураш олиб бориш ва коррупцияга берилмаслик мажбурияти илова этилиши жорий этилган. Бундан ташқари, ходимнинг иш столига унинг оилавий расмларни жойлаб қўйиш каби ноанъанавий усуллар ҳам тавсия этилган. Ижтимоий тармоқларда махсус "Антикоррупция" гуруҳи ташкил этилган.

Аммо, қўмита раҳбарияти ва вакилларининг жойлардаги ташрифлари давомида, юқорида қайд этилган чоралар тўлиқ ва сифатли бажарилмаётганлиги, жумладан ижтимоий варақалар кўринарли тарзда жойланмаганлиги, "Ишонч қути"лари белгиланган тартибда очилмаслиги, йиғилган маълумотларнинг таҳлили тизимли йўлга қўйилмаганлиги, тизим раҳбарлари билан бевосита алоқага чиқиш телефонлари фуқароларга кўринмайдиган жойларга қўйилганлиги каби ҳолатлар кузатилмоқда.

Бу каби камчиликлар жойлардаги раҳбарларнинг коррупцияга қарши курашни кенг ва изчил ташкил этишда шахсий намуна кўрсатмаётганлигидан, ушбу курашда фаол қатнашиш қурук бюрократик тарзда эмас, сидқидилдан ташкил этилишига алоҳида эътибор бермаётганлигидан, энг ачинарлиси, бу каби

камчиликлар тизим идораларида коррупцияга қарши курашнинг самарали ташкил этилмаслигига олиб келмоқда.

Интернет ижтимоий тармоқларида, оммавий ахборот ва оммавий коммуникация (*интернет газеталари ва нашрларда*) воситаларида соҳа ходимлари орасида ер ажратиш ва кадастр ҳужжатларини тайёрлаш ёки расмийлаштиришда товламачилик, порахўрлик, воситачилик ва шу каби бошқа коррупция иллатларининг келиб чиқаётганлиги тўғрисидаги қатор мақолалар чоп этилаётганлиги бунинг яққол далилидир.

Давергеодезкадастр қўмитаси тизимида коррупцияга қарши курашни янада кучайтириш, бу курашга кенг тус бериш, мутасадди раҳбарларнинг шахсий масъулиятини кескин ошириш мақсадида, **буюраман**:

1. Давергеодезкадастр қўмитаси тизимида (кейинги ўринларда "Қўмита" деб юритилади) коррупцияга қарши кураш ишларини тизимли ва сифатли ташкил этиш борасида, қўмита тизимидаги ҳудудий бошқармалар, "Ермулккадастр" давлат корхоналари ҳамда корхона-ташкилот раҳбарларининг олиб бораётган ишлари **қониқарли эмас** деб баҳолансин.

2. **Қуйидагилар:**

а) Давергеодезкадастр қўмитаси тизимида коррупцияга қарши кураш ишларини янада кучайтириш юзасидан **Чақирик** 1-иловага мувофиқ;

интернет ижтимоий тармоқларида соҳа ходимлари орасида коррупция иллатларига берилган ҳолатлари тўғрисидаги **мақолалар рўйхати** 2-иловага мувофиқ, **маълумот ва ижро учун** қабул қилиниб, қўмита тизимининг ҳар бир ходимига етказиш учун қабул қилинсин.

б) Коррупцияга қарши кураш бўйича Қўмитанинг республика комиссияси томонидан ушбу йўналишда жойларда ташкил этилган Ҳудудий комиссияларнинг ҳисоботларини эшитиш **режа-жадвали** 3-иловага мувофиқ;

ҳудудий комиссиялар ҳисоботларида **ёритиладиган масалалар рўйхати** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қўмита ва унинг тизимидаги барча корхона ва ташкилотлар – қўмита тасарруфидаги идоралар ва корхоналар раҳбарлари, ҳудудий ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари ва туман бўлимлари бошлиқлари, "Ермулккадастр" давлат корхоналари ва уларнинг туманлардаги филиаллари раҳбарлари ҳамда "Ўздаверлойиҳа" институтининг бўлинмалар директорларига **3 кунлик муддат ичида:**

ижтимоий варақаларни идорада давлат хизматлари кўрсатиш бўйича фуқароларни қабул қилиш жойларида (*хоналарида, кутиш жойларида), шунингдек ишонч қутиларининг олдида*), кунлик ўртача мурожаатлар сонининг камида 3 баравари миқдорида, кўринарли тарзда жойлаштирилишини;

мурожаат этувчиларга Қўмита тизими раҳбарлари билан бевосита боғланишда, алоҳида алоқа телефонлари ўрнатиб берилишини ва унинг олдида қўмита тизими раҳбарларининг (*қўмита раиси, раис ўринбосарлари, бошқарма ва*

“Ермулккадастр” давлат корхоналари раҳбарларининг) иш телефони рақамлари кўрсатилган ахборот варақлари осиб қўйилишини;

кўринарли тарзда, А-2 форматдан кичик бўлмаган бичимда ижтимоий сўров варақаларини тўлдириш намуналари осиб қўйилишини;

жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг мурожаатлари ижроси бўйича якунловчи ҳужжатлар берилаётганда, идоранинг тегишли мутасадди ходими томонидан ижтимоий сўров варақаларини жисмоний ва юридик шахсларнинг тўлдириб, “Ишонч қути”сига ташлаб кетишини назоратга олиш вазифаси қўшимча равишда юклатилишини;

идораларда жисмоний ва юридик шахслар билан ишлайдиган, улар билан бевосита мулоқотда бўладиган ходимларда, шу жумладан, идоранинг дала ўлчовларига, турар-жой ёки нотурар кўчмас мулк объектларига чиқиб ишловчи ходимларида ҳамда қишлоқ хўжалик экинларини мониторинг ўлчовидан ўтказувчи, қишлоқ ва ноқишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ер майдони ажратиб бериш бўйича кадастр ҳужжатларини тайёрлаб берувчи туман бўлимининг ер тузувчиларида уларни шахсини тасдиқловчи бейжик кийимига мажбурий тақиб юрилишини таъминласинлар.

Шахсини билдирувчи бейжикларнинг намунавий шакли 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ҳудудий ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари бошлиқлари тегишли ҳудуд ташкилоти идораларида “Ишонч қути”ларини тасдиқланган режага мувофиқ:

ҳар ойда шахсан ўзлари томонидан ўрнатилган тартибда очиб борилишини;

уларнинг ичидан олинган фикр-мулоҳазалар, жумладан тўлдирилган ижтимоий сўров варақаларини тегишли далолатнома асосида йиғиб олинишини ҳамда доимий равишда таҳлилдан ўтказиб борилишини сўзсиз таъминлаб борсинлар.

5. Мазкур буйруқ қабул қилинган кундан бошлаб, Қўмита тизимидаги барча ташкилотларда коррупцияга қарши **икки йўналишда,** пора олувчиларга ва пора берувчиларга **қарши аёвсиз ва узлуксиз кураш эълон қилинсин**.

Ушбу эълон **бир кунлик муддат ичида** қўмита тизимидаги ҳар бир ташкилотда, меҳнат жамоаларининг тўлиқ иштирокида батафсил муҳокама этилсин, унинг мазмун моҳияти оддий фаррош ва қоровул ходимлардан тортиб, раҳбар ходимларгача тўлиқ етказилсин. Бу борада хизмат сафарида бўлган ходимлар хизмат сафари ўтаётган жойдаги Қўмита тизими идорасида муҳокамаларда иштирок этиши таъминлансин.

Муҳокамалар мобайнида:

коррупция нималиги, унинг шакллари, айниқса - бевосита хизмат ваколати доирасидаги ишларни бажаришда, шу жумладан бу ваколат

доирасига кирмайдиган ишларни бажариш учун ҳар қандай – нақд ёки нақд бўлмаган пул ёки моддий бойлик талаб (таъма) қилиш пора олувчи (порахўр) тоифасига киритилиши;

бирор бир мутасадди ёки раҳбарнинг оғзаки топшириғи (кўрсатмаси) ёхуд илтимосига кўра, ўзи ҳам моддий манфаат кўрган ёки кўрмаган ҳолда, ноқонуний равишда бошқа шахс берган пулни олиб етказиб бериш ёхуд бу жараёнда иштирок этиш воситачи тоифасига киритилиши ва жиноий жавобгарликка тортилиши батафсил ёритиб берилсин.

6. Ходим ёки раҳбар томонидан пора олиш ҳолатига йўл қўйилган ҳар қандай ҳолат, энг аввало, мазкур ташкилот ва ҳудудий бошқарма раҳбарининг рейтингига жиддий путур етиши, агар шу ташкилотда ёки бошқа ташкилотда бу каби коррупция ҳолати такрорланиши мазкур ҳудудий бошқарма раҳбарининг келгуси фаолиятига салбий таъсир этиши белгилаб қўйилсин.

7. Пора олувчилар билан бир қаторда, пора берувчиларга ҳам қарши курашда иштирок этиш, Қўмита тизими ташкилотларининг лавозимидан қатъий назар барча ходимлари учун асосий хизмат бурчлари тоифасига киритилсин ва **бир ҳафталик муддат ичида** уларнинг лавозим йўриқномаларида акс эттирилиши таъминлансин.

8. Пора берувчиларга қарши курашдаги **асосий ёндошув сифатида:**

а) Қўмита тизими ходимларининг бевосита хизмат ваколати доирасидаги ишларни бажаришда, шу жумладан бу ваколат доирасига кирмайдиган ишларни, шунингдек воситачилик қилишга ундовчи ишларни бажариш учун ҳар қандай – пул ёки бошқа моддий рағбат кўринишдаги пора таклиф этилганда, бу таклифни берган шахсларни фош этиш мақсадида, жойлардаги "Бевосита коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари"га яъни - Давлат хавфсизлик хизмати, Прокуратура, Ички ишлар бошқармалари ва бўлимлари, Адлия вазирлиги ҳудудий бошқармалари ҳамда Прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига (келгуси матнларда – "Ваколатли органлар" деб юритилади) **расмий ариза ёки билдирги тақдим этиш;**

б) Пора таклиф этган шахсларни **Ваколатли органлар** томонидан фош этишда ташаббус кўрсатган **тизим ташкилоти ходимларини** (келгуси матнларда – "Ташаббускор ходим" деб юритилади) **моддий рағбатлантириш қатъий белгилансин**.

9. Ташаббускор ходимларни моддий рағбатлантириш шакли ва миқдори пора сифатида **унга таклиф этилган пулнинг миқдорига мутаносиб тарзда** 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Ташаббускор ходимларни моддий рағбатлантириш билан боғлиқ молиявий харажатлари Қўмитанинг Ер муносабатлари ва давлат кадастрларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қопланиши, тегишли ваколатли орган томонидан тасдиқловчи ҳужжат олингандан сўнг, **икки ҳафталик**

муддат ичида моддий рағбатлантирилаётган ходимга тўлаб берилиши белгилаб қўйилсин.

11. Коррупцияга қарши кураш бўйича Қўмитанинг республика комиссияси (Т.Абдуллаев, Ш.Ҳабибуллаев, М.Рузметов) Матбуот хизмати (Н.Атамуродов) билан биргаликда пора таклиф этган шахсларни фош этиш билан боғлиқ маълумотларни Қўмитанинг расмий веб сайтида ҳамда бошқа оммавий коммуникация воситаларида маълум қилиб борилишини доимий тарзда таъминлаб борсин;

Бу каби расмий ахборотларда Ташаббускор ходимларнинг ҳоҳишларига кўра уларнинг фамилияси, исми ва шарифларидан фойдаланиш ёки шартли равишда қисқартирилиб фойдаланиш, ўзгартирилиб кўрсатилиши ёхуд умуман кўрсатилмаслик белгилаб қўйилсин.

12. Ҳудудий ер ресурслари ва давлат кадастри бошқарма ва тизимдаги барча корхоналар раҳбарларига ушбу буйруқни ташкилот ва корхонада ишлайдиган ҳар бир ходимга танишитириш вазифалари юклатилсин.

13. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Коррупцияга қарши кураш бўйича Қўмитанинг республика комиссиясига юклатилсин.

Раис **А.Абдуллаев**

Давергеодезкадастр қўмитасининг
2018 йил 02 ноябрдаги 641- сонли
буйруғига 1-илова

Давергеодезкадастр қўмитаси тизимида коррупцияга қарши кураш ишларини янада кучайтириш юзасидан

Ч А Қ И Р И Қ

Давергеодезкадастр қўмитаси (келгуси матнларда – "Қўмита" деб юритилади) томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича қатор чора-тадбирлар, ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, бу йўналишда, доимий назорат мониторинги олиб бориш, бевосита Қўмитанинг **Коррупцияга қарши кураш бўйича республика комиссияси**га юклатилган.

Ушбу юзасидан коррупцияга қарши кураш бўйича махсус плакатлар, шиорлар ишлаб чиқилиб, уларнинг электрон вариантлари жойларга етказиб берилди.

Шу билан бир қаторда:

Қўмитанинг, адлия ва прокуратура органларининг "Ишонч телефон"лари ва электрон почта манзили, бир ойна бўлимларида ижтимоий сўров варақалари ва бу варақаларни солиш учун махсус "Ишонч қути"лари ташриф этувчиларга кўринарли тарзда жойлаштириб қўйилиши ташкил этилди;

янги ишга қабул қилинаётган ходим билан тузиладиган меҳнат шартномасига, коррупцияга қарши кураш олиб бориш ва коррупцияга берилмаслик мажбурияти илова этилиши йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, ижтимоий тармоқларда махсус "**Антикоррупция**" гуруҳи ташкил этилиб, унда коррупция ҳолатлари бўйича ахборотлар кенг муҳокама этилиб бормоқда, ходимнинг иш столига унинг оилавий расмларини жойлаб қўйиш каби ноанъанавий усуллар ҳам тавсия этилди.

Лекин, таассуфки, шунча саъйи ҳаракатлар бўлишига қарамасдан, Қўмита тизими идораларида коррупция иллатларининг ҳанузгача учраётганлиги, айрим ҳудудларда (масалан, Андижон вилоятининг Булоқбоши туманида) бир ташкилотнинг ўзидан**, бир ой ичида** такроран келиб чиққанлигини қандай изоҳлаш мумкин?!

Ёки жорий йилнинг январь ойидан 10 октябрига қадар, соҳа ходимлари орасида пора билан қўлга олинганлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари (келгуси матнларда – "ОАВ" деб юритилади) ва оммавий коммуникация воситаларида (интернет манбаларида) 8 та маълумот берилганлиги, **мана шу, 8 та маълумот 8000 дан зиёд соҳа ходимларининг юзини ерга қаратганлиги**, қолаверса, бутун соҳа шаънига доғ чаплаганлигини оқлаб бўладими?! Бу каби салбий ҳолатларнинг Интернет нашрларида расмий эълон қилинганлиги деб ҳисобласак, эълон қилинмаганлари қанча экан?!

Бу каби коррупция иллатларини келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири, ташкилот ходимлари томонидан коррупцияга қарши бир ёқадан бош чиқариб, изчил кураш олиб бориш, ходимларда коррупция иллатларига берилиб қолмаслик бўйича ўзига хос бўлган иммунитетни шакллантириш ташкил этилмаётганлигини кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Коррупцияга қарши бир тан, бир жон бўлиб кураш олиб боришда фаол қатнашишга, томошабин бўлиб ўтирмасликка ундовчи омиллар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Қонунчилик меъёр талабларига мувофиқ, **пора олган ҳам, пора берган ҳам қонун олдида баравар жавоб беради**.

2. **Асосий мақсад** - соҳага, мутахассислик шаънига доғ тушишини олдини олиш.

3. Соҳа нуфузини кўтаришда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, ходимларда коррупция иллатларига ўзига хос иммунитет борлигини намойиш қилиш (бу жуда муҳим тамойил).

4. Нопоклик орқасида шармандаи шармисор бўлган ходимнинг кейинги тақдирини виртуал тарзда кўз олдига келтирувчи деворий-кўргазма воситаларидан самарали фойдаланиш (**занжирий кетма-кетлик: ҳамкасблар орасида, яқинлар, қариндошлар ва қуда-андалар орасида обрў-эътиборининг ер билан битта бўлиши ва ҳоказолар**).

5. Бу шармандалик, обрў тўкилиши ва келажак ҳаётига тушган доғ нафақат ўзининг, балки фарзандларининг тақдирига ҳам таъсир кўрсатиши.

Энди бошқа ҳолатни кўз олдингизда тасаввур этинг.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни олдини олиш мумкин эди, айнан, **СИЗ буни олдини олишингиз мумкин эди** – оддийгина: ўз вақтида коррупция иллатини юқтираётган ходимни билиб қолганда, унга тўғри йўл кўрсатилганда, бунинг ҳам таъсири бўлмаса ва бу ҳолатни давом эттираверса, идора раҳбарига Сиз кузатаётган ҳолат юзасидан маълумот берилганда эди, шу ходимни ўтказиб қўйиб, тартибга чақириб, тўғри йўлга солиб, келгусида келиб чиқиладиган оқибатларни олди олинган бўларди. Яъни **Сиз томошабин бўлмаганингизда,** эътиборсиз қараб ўтирмаганингизда, аксинча, бир ходимнинг тақдирини тўғри йўлга солишга сабабчи бўлардингиз.

Энди биз одатда муҳокама этмайдиган, назардан четда қоладиган шахс – пора берган одам тўғрисида мулоҳаза қилиб кўрайлик.

Ўзбек адабиётида **пора олган одам порахўр** деб юритилади. Лекин пора берганни бундай номи йўқ! Худди назардан четда қолгандай. Аслида қарс икки қўлдан чиқадику!

Коррупция ҳолатлари келиб чиқишида, аксарият ҳолларда, (**эътибор беринг,** аксарият ҳолларда фуқаро) пора таклиф этади. Ходим эса, айримлари шу заҳоти (бундай тоифалар жуда кам бўлади), айримлари бироз иккиланиб, розилик беради. **Ҳоҳ у, ҳоҳ бу тоифа бўлсин – барибир коррупцияга қарши иммунитет шаклланмаган**лигидан далолат беради.

Баъзи ҳолларда (**бу кадастр корхоналари фаолиятида кўп учрайди**), айрим шу каби, ноқонуний хатти-ҳаракатга бошлаган, пора таклиф қилган одамни ўзи маълум сабабларга кўра, бу барчамизга сир эмас, **пора олган ходимни фош этишда ташаббус кўрсатиб келмоқда**.

Нега бизда уни тескариси йўқ?! **Қани ким эшитган:** "ер тузувчи ёки кадастр ходими фалончини тутиб берибди" деганини?!

Қанийди, юқорида қайд этилган 8 та "Порахўр" тамғасини олган ходимимиз, агарда, уларга бошқалар томонидан пора беришга уринаётганликлари хусусида, **ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар берганида,** пора беришга ҳаракат қилган шахсларнинг ўзини қонун олдида жавобгарликка тортилиб, оқибатда натижа бутунлай бошқача яъни оилалар, соҳа шаънига доғ тушмаган, энг муҳими пора олишга даъват қилувчиларнинг сони камайиб, йўқ бўлиб кетишига омил бўлар эди.

Бунинг учун битта нарса - "Бевосита коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари"га яъни - Давлат хавфсизлик хизмати, Прокуратура, Ички ишлар бошқармалари ва бўлимлари, Адлия вазирлиги ҳудудий бошқармалари ҳамда Прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига **расмий ариза ёки билдирги тақдим этиш;**

Энди соҳанинг шаъни, ҳимояси учун мана шундай кураш усулини қўллаш, ҳужумга ўтиш вақти келди.

Қўмита тизимига кирувчи тасарруфдаги барча ташкилотлар, ҳудудий ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари ҳамда уларнинг туман (шаҳар) бўлимлари, "Ермулккадастр" давлат корхоналари ва уларнинг туман (шаҳар) филиаллари, илмий-тадқиқот институтларининг барча ходимларига **қуйидаги Чақириқ билан мурожаат қиламиз:**

1. Пора олувчиларга ҳам, пора берувчиларга ҳам қарши курашда фаол иштирок этайлик!

2. Коррупцияга қарши курашда фаол иштирок этиш, Қўмита тизими ташкилотларининг лавозимидан қатъий назар, барча ходимлари учун асосий хизмат бурчлари тоифасига киритилишини, ҳар бир ходим тушуниб етган бўлиши лозим.

3. Коррупция иллатларига берилиб қолмаслик, коррупцияга қарши етарли даражада ўзига хос бўлган иммунитет ҳосил бўлишида тўғрилик, соф виждонлик, давлат ва ташкилот мулкига хиёнат қилмаслик каби хислатлар, асосий ўрин тутишини ҳар биримиз тушуниб етган бўлишимиз керак.

4. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўқиб ўрганиш – бу давр тақазосидир. Шу боис, тинмай ҳуқуқий саводхонликни ошириб борайлик!

5. Соҳа равнақи ва унинг истиқболи - ҳар биримизга, ҳар қадамимизга, юритиладиган соф фаолиятга боғлиқ.

Давергеодезкадастр қўмитасининг
2018 йил 02 ноябрдаги 641 - сонли
буйруғига 2-илова

Интернет ижтимоий тармоқларида соҳа ходимлари орасида коррупция иллатларига берилган ҳолатлари тўғрисидаги мақолалар рўйхати*

Т/Р	Ходимнинг Ф.И.Ш	Лавозими	Жиноий иш очиш сабаби	Мақола чиққан манба
1	А.Мўминов	Қашқадарё вилояти “Ермулккадастр” давлат корхонаси Шахрисабз туман бўлими собиқ мутахассиси. 05.02.2018 йилда вазифасидан озод қилинган.	Уй-кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб бериш эвазига, ундан 250 АҚШ доллари талаб қилган. 200 АҚШ долларини шу йил 19 январь куни олгани маълум бўлган. Қолган 50 АҚШ долларини 8 февраль куни олаётган вақтида қўлга олинган.	Хабар.уз сайтида 18.02.2018 йилда чиққан
2	Қ.Абдураҳимов	Жиззах вилояти “Ермулккадастр” давлат корхонаси Зафаробод туман бўлими мутахассиси.	Кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб бериш учун 300 минг сўм миқдорида пора олаётган вақтда қўлга олинган.	Дарё.уз сайтида 18.04.2018 йилда чиққан
3	Ш.Мадазов	Тошкент вилояти Бўстонлиқ туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи	93 та ҳолатда 450 гектар ерни ноқонуний равишда тарқатиб юборганлиги учун қамоққа олинган.	Дарё.уз сайтида 26.05.2018 йилда чиққан
4	Д.Рахмонов	Андижон вилояти, Булоқбоши тумани ер ресурслари давлат кадастри бошлиғи	4 сотих ер майдони ажратиб бериш учун 4 минг АҚШ доллари миқдорида пора олаётган вақтида қўлга олинган.	Кун.уз сайтида 16.07.2018 йилда чиққан
5		Сурхондарё вилояти “Ермулккадастр” давлат корхонаси Бойсун туман бўлими мутахассиси	0,30 га лалми ер участкаси ажратиб бериш эвазига 30 млн. сўм пора олаётган вақтида қўлга олинган.	Хабар.уз сайтида 16.09.2018 йилда чиққан

Т/Р	Ходимнинг Ф.И.Ш	Лавозими	Жиноий иш очиш сабаби	Мақола чиққан манба
6	У.Раҳмонов	Андижоннинг Булоқбоши тумани Ер ресурслари давлат кадастри бўлими бошлиғи	Бир ой аввал Улуғбек Раҳмонов пора билан қўлга олинган эди	
7	А.Қўлдошев	Андижон вилояти Булоқбоши туман Ер ресурслари давлат кадастри бўлими ер тузувчи мутахассиси	Фермер хўжалигига қарашли 1 сотих ерни фуқаронинг хонадонига турар жой сифатида қўшиб бериш учун 1000 АҚШ доллар пора олаётган вақтида қўлга олинган.	Дарё.уз сайтида 18.09.2018 йилда чиққан
8	Б.Тўронов	Қашқадарё вилояти "Ермулккадастр" давлат корхонаси Нишон туман бўлими ходими	Бўш турган 6 сотих ер майдонини расмийлаштириб, унинг номига ўтказиб бериши эвазига 15 миллион сўм пора талаб қилган. 14 миллион сўм миқдоридаги пулни пора тариқасида олаётган вақтда қўлга олинди	Газета.уз сайтида 06.10.2018 йилда чиққан
9.		Хива шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Хива шаҳар бўлими мутахассиси	6 октябрь куни Хоразм вилоят ИИБ ЖҚБ Коррупцияга қарши курашиш бўлими ва прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Хива шаҳар бўлими ходимлари томонидан тезкор тадбир ўтказилди. Ҳоким ўринбосари О.Ш. Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Хива шаҳар бўлими мутахассиси орқали 2000 АҚШ долларини пора тариқасида олаётганида жиноят устида ашёвий далиллар билан қўлга олинди.	07.10.2018 йилда

**) Мазкур ҳолатлар бўйича суд қарор қабул қилингунга қадар, ушбуда келтирилган шахсларни судланган тоифага киритилмайди.*

Давергеодезкадастр қўмитасининг
2018 йил 02 ноябрдаги 641 - сонли буйруғига 3-илова

Коррупцияга қарши кураш бўйича Қўмитанинг республика комиссияси томонидан ушбу йўналишда жойларда ташкил этилган Ҳудудий комиссияларнинг ҳисоботларини эшитиш режа-жадвали

Т/р	Ҳудудий комиссиялар номлари	сана													
		ноябрь								декабрь					
1	Қорақалпоғистон Республикаси	5													
2	Андижон		9												
3	Бухоро			12											
4	Жиззах				16										
5	Қашқадарё					19									
6	Навоий						23								
7	Наманган							26							
8	Самарқанд								30						
9	Сирдарё									3					
10	Сурхондарё										7				
11	Тошкент											10			
12	Фарғона												14		
13	Хоразм													17	
14	Тошкент ш.														21

Давергеодезкадастр қўмитасининг
2018 йил 02 ноябрдаги 641 - сонли
буйруғига 4-илова

Ҳудудий комиссиялар ҳисоботларида ёритиладиган масалалар рўйҳати

1. Корхона (ташкилот)нинг фаолият йўналишларида юқори коррупция хавфи бўлган ҳолатларни аниқлаш бўйича танқидий таҳлилнинг бажарилганлиги.
2. Корхона (ташкилот)да комплекс чора-тадбирлар (дастурлар, режалар) қабул қилиниб, амалга оширилганлиги (№ПҚ-2752 от 02.02.2017).
3. Коррупция ҳолатларини олдини олиш бўйича қўмита ва корхона (ташкилот)нинг буйруқларини белгиланган талаб даражасида қабул қилинганлиги.
4. Корхона (ташкилот)нинг коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссиясининг фаолияти самарали ташкил этилганлиги, танқидий рухдаги йиғилишларнинг ўтказилганлиги, хусусан, унинг фаолияти натижалари бўйича маълумотлар муҳокама этилганлиги, шунингдек комиссиянинг коррупцияга қарши курашиш жараёни самарали олиб борилишига ҳуқуқий баҳо берилганлиги.
5. Коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларнинг ижобий натижалари тўғрисида.
6. Корхона (ташкилот)нинг конкурс асосида ходимларни ишга қабул қилиши ва раҳбар ходимларни ротация қилиш ҳақидаги идоравий ҳужжатларини қабул қилинганлиги ва асосли натижалари.
7. Корхона (ташкилот)нинг веб-сайти ва “Ишонч телефони” ишлашини узлуксиз таъминлаш, амалга оширилаётган ташкилий-техник чора-тадбирлар таҳлили.

Хусусан, қуйидагилар ҳақида маълумотларни келтириш лозим:

- *Коррупцияга қарши курашишда “Ишонч телефони”ни ишлашини такомиллаштириш;*
- *жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларига маълум бўлган (дуч келган) коррупция ҳолати тўғрисидаги хабарларни улар томонидан хабар бериш, жумладан анонимлик сақланган ҳолда, корхона (ташкилот)нинг “Ишонч телефони”ва расмий веб-сайтида “Қайта боғланиш” бўлими (саҳифа)ни ташкил этилганлиги.*

8. Корхона (ташкилот)нинг “Ишонч телефони”, веб-сайти ёки бошқа алоқа каналлари орқали келиб тушган мурожаатларни таҳлил этилганлиги ҳамда ўтказилган таҳлил натижаларининг эълон қилинганлиги.
9. Корхона ва унинг туман(шаҳар)ларидаги филиаллари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари тўғрисидаги маълумотлар билан жисмоний ва юридик шахсларни таъминлаш қай даражада амалга оширилаётганлиги.
10. Корхона томонидан ходимлар ва аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишдаги тегишли чора-тадбирларнинг мавжудлиги.

Корхона томонидан коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш масалалари юзасидан видеролик, плакат, буклетларнинг тайёрланганлиги, амалда қўлланилиши.

11. Корхона ва унинг туман (шаҳар) филиаллари томонидан коррупцияга қарши курашиш масаласи бўйича махсус ўрганишлар, хусусан, ушбу йўналишда жамият(аҳоли)нинг фикрини билиш мақсадида, улар билан сўров (запрос)лар ўтказишни йўлга қўйилганлиги (*амалга оширилган бўлса, умумлаштирилган маълумотларни тақдим этиш, бунда, ўтказилган сана, шакли ва натижалари).*

12. Мурожаатларда хабар берилган корхона ва унинг туман (шаҳар) филиаллари мансабдор шахслари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари поймол қилиниши, қонун бузилиш ҳолатлари ва бошқа суиистеъмол ҳолатлар тўғрисидаги мурожаатларнинг ўрганилганлигиҳамда ушбу мурожаатлар юзасидан кўрилган чоралар.

Давергеодезкадастр қўмитасининг
2018 йил 02 ноябрдаги 641 - сонли
буйруғига 5-илова

Шахсини билдирувчи бейжикларнинг намунавий шакли



Изоҳ: *Ушбу бейджикда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг туман (шаҳар) филиалларида фаолият юритувчи, бевосита ўлчов ишларини амалга оширишда ва халқ билан мулоқотда бўладиган ходимларининг лавозими ва исми шарифи кўрсатилади ҳамда иш жойи, шунингдек корхоналарнинг "Ишонч" телефонлари кўрсатилади.*

Давергеодезкадастр қўмитасининг
2018 йил 02 ноябрдаги 641 - сонли
буйруғига 6-илова

Пора таклиф этган шахсларни Ваколатли органлар томонидан фош этишда ташаббус кўрсатган ходимни моддий рағбатлантириш шакли ва миқдори

№	Фош этилган пора миқдори	Пул мукофоти*	Қўшимча моддий рағбат
1.	50 минг сўмдан 2,5 млн.сўмгача	Пора сифатида таклиф этилган сумманинг 3 баравари	
2.	2,5 млн.сўмдан 5 млн.сўмгача	7,5 млн.сўм + таклиф этилган сумманинг 2,5 млн.сўмдан ортган суммасининг 2 баравари	
3.	5,0 млн.сўмдан 15,0 млн.сўмгача	12,5 млн.сўм + таклиф этилган сумманинг 5,0 млн.сўмдан ортган суммасининг 1,25 баравари	
4.	15,0 млн.сўмдан 25,0 млн.сўмгача	25,0 млн.сўм + таклиф этилган сумманинг 15,0 млн.сўмдан ортган суммасининг 1,0 баравари	Меҳнат таътилига қўшимча равишда 5 иш кунлик дам олиш
5.	25,0 млн.сўмдан 35,0 млн.сўмгача	35,0 млн.сўм	Меҳнат таътилига қўшимча равишда 5 иш кунлик дам олиш ҳамда дам олиш маскани ёки санаторийга 2 кишилик йўлланма
6.	35,0 млн.сўмдан ортиқ	35,0 млн.сўм	15 кунгача бўлган муддатда хорижда малака ошириш (*стажировка*).

**) – Пул мукофоти ташаббус кўрсатган ходимга нақд пул кўринишида ёки унинг ҳоҳишига кўра, тегишли банк пластик картасига ўтказилиб берилади.*